

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
хўжалиги вазирлиги хузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши раиси  
ўринбосари



Ш. Нурматов  
“4” июл 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши йиғилиш  
БАЁНИ

Тошкент вилояти

№ 2

2022 йил “4” июл

Йиғилишга раислик қилди:

Ш.Н. Нурматов – *Кенгаши раиси ўринбосари*  
И. Ибраимов – *Кенгаши котиби*

Иштирок этдилар:

Аъзолари: Т.Д. Долиев, Ч.Т. Латипов,  
Т.Ш. Бозоров, А. Мансуров,  
А.К. Ахмеджанова, М.Т. Тошболтаев,  
Д.К.Хусаинов.

Таклиф этилганлар:

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи  
У.Сайдова, Юридик бошқарма бошлиғи  
Б.Хусенов, Ташкилий-назорат бошқармаси  
бошлиғи М.Толибов, Аграр тадбиркорликни  
ривожлантириш бошқармаси бошлиғи  
О. Ташпўлатов, Қишлоқ хўжалигини давлат  
томонидан кўллаб-кувватлаш, молиявий ва  
шартномавий муносабатларни ривожлантириш  
бошқармаси бошлиғи Д.Маматқулов.

КУНТАРТИБИ:

1. “Ўзбекистон Республикасининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соглом овқатланишининг 2022-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини масдиқлаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини мухокама этиши.
2. “Қишлоқ хўжалиги соҳасига ракамли технологияларнинг илгор тажрибаларини жорий қилиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси Қарор лойиҳасини қўриб чиқиши ва таклиф тайёрлаши.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент лойиҳасини мухокама этиши.

Йигилишни Жамоатчилик Кенгashi раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириш сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони лойиҳасини муҳокама этиш ва унда белгиланган масалаларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш бўйича йигилиш иштирокчиларини танишиди.

Кун тартибидаги 1 масала юзасидан Юридик бошқармаси мутахассиси Д.Хусайнов ахбороти тингланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий сиёсатида марказий ўринлардан бири бўлиб, мамлакат учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, миллий хавфсизлиги ва мамлакат мустақилигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Хорижий тадқиқотчилар маълумотларига кўра, 2021 йилда Глобал озиқ-овқат хавфсизлик индексидаги (Global Food Security) рейтингида Ўзбекистон индекс кўрсаткичи 53,8 ни ташкил қилиб, 78-ўринни қайд этди.

Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги (FAO) томонидан 2021 йил учун эълон қилинган Глобал очлик индексида (Global Hunger Index) энг яхши деб топилган мамлакатлар орасида Ўзбекистон ўтган йилги кўрсаткичларини 9 погона яхшилаб, 21 ўринни эгаллади (5,9 балл).

Шу билан бирга, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунга қадар турли даражада тасдиқланган аграр соҳани ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилиб, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлашга қаратилган ягона давлат дастури ишлаб чиқилмаган.

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлом озиқланишни тарғиб қилиш, носоғлом озиқланиш натижасида аҳоли орасида касаллалик келиб чиқиши олдини олиш, тўйиб овқатмайдиганлар сонини камайтириш, озиқ-овқат захираларини яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш ҳамда соҳада илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш зарурлигини айтиб ўтди.

Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб:

озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишни таъминлашни, ер ва сув ресурслари, экологик ва молиявий бошқарув тизимларини такомиллаштириш;

бозор иктисодиёти тамойилларига асосланган самарали озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, шу жумладан стратегик маҳсулотлар захирасини яратиш;

миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланиш, тизимиға табиий ва техноген офатлар, дунёда ва унинг айрим минтақаларида вужудга келаётган жиддий ва бошқа вазиятларнинг салбий таъсирлари оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф – хатарларни бошқаришда олдиндан огохлантириш маълумот ва мониторинг платформасини ташкил этиш;

соғлиғи заиф, камбағал аҳолини озиқ-овқат ва озиқланиш билан

таъминлаш учун ижтимоий ҳимоянинг миллий тизимларини такомиллаштириш ва барқарорлигини таъминлаш;

озикланиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги даражасини яхшилаш учун соғлом озиқланиш тамойилларини ҳамда хавфсизлик амалиётлар ва кўрсаткичларини тарғиб қилиш.

Ушбу стратегия ва унда белгиланган вазифаларга эришиш учун қуидаги тўртта мақсадни амалга оширилади:

биринчи, барча инсонлар учун етарли миқдорда хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат мавжудлигини таъминлашда Ўзбекистон барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимини мустаҳкамлаш;

иккинчи, барча инсонлар етарли миқдорда озиқ-овқатдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида инклюзив, самарали ва уюшган бозорларни ташкил қилиш;

учинчи, соғлом озиқ-овқат муҳитида тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ва ўзлаштирилишини ижобий натижалар хақида маълумот ва билимни рағбатлантириш;

тўртинчи, барча озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланиш жараёнларининг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланишнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибини тасдиқлашни.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:

озик-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланиш бўйича давлат сиёсатини юритиш, стратегиялар, дастурлар ва мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

озик-овқат хавфсизлиги ва озиқланиш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган хавф –хатарни олдини олиш жараёнларини бошқариш ва назорат қилиш;

озик-овқат бозорини барқарорлаштириш механизmlари, озиқ-овқат нархларининг ўзгарувчанлиги, уларнинг асосий салбий таъсирларини юмшатишга қаратилган бозорга механизmlарига асосланган тизимни такомиллаштириш;

озик-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланиш соҳасидаги халкаротан олинган индикаторларни бажарилишини мувофиқлаштириш;

озик-овқат хавфсизлиги ва соғлом озиқланиш масалалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиш, миллий компаниялари ва дастурларини мувофиқлаштириш;

миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқланиш мониторинги, олдиндан огоҳлантириш тизимининг самарали ишлаши учун барча тегишли давлат органлари томонидан тақдим этилиши керак бўлган барча тегишли маълумотларнинг шакллари ва мунтазам бериб бориш муддатларини белгилаш.

аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида келгуси йил учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг прогноз ҳажмларини тасдиқлаш;

республика аҳолисини кафолатли таъминлаш бўйича захирага олинадиган ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати ва захира миқдорини худудлар кесимида тасдиқлаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини ташкил этиш учун талаб этиладиган маблағлар хажмини ўрганиб чикиш ва зарур бўлган маблағлар манбаасини белгилаш;

ички истеъмол бозорига интервенция тартибида маҳсулотларни чиқариш графигини тасдиқлаш ва тавсиявий нархлар таклифини ўрганиб чиқиши ва тегишли ҳезкор қарорларни қабул қилишни белгилаб берилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан У.Сайдова, Т.Д. Долиев, Ч.Т. Латипов, М.Толибовлар сўзга чиқиб ўз таклифларини билдиришди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ш.Нурматов Ўзбекистон Республикасининг миллий озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида маълумотлар доимий ўрганилиб бориши, шунингдек, юкорида белгилаб ўтилган масалаларга глобал иқлим ўзгариш жараёнларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чикиш, уларни келгусида ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаларида акс эттириш лозимлиги тўғрисида таклифлар киритди.

### **Йиғилиш қарор қиласи:**

1. Мазкур Фармон билан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан берилган ахборотлар маъқуллансин.
2. Жамоат Кенгashi аъзолари томонидан тақдим этилган таклифлар келгусида ишлаб чиқариладиган Хукумат қарор лойиҳаларида акс эттириш вазирлик раҳбариятидан сўралсин.

Йиғилишни Жамоатчилик Кенгashi раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириш сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига ракамли технологияларнинг илғор тажрибаларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги, унинг аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш бўйича йиғилиш иштирокчиларини таништириди.

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан Жамоатчилик Кенгashi раиси ўринбосари Ш.Нурматов ахбороти тингланди,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ракамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 7 июндаги ПҚ-273-сон Қарори ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги барча молиявий хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига ракамли технологияларни кенг жорий қилиш орқали ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экинлар ҳолатини мониторинг қилишининг идоралараро ахборот тизимларини жорий этиш, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишни айтди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг агросаноат мажмуида ягона электрон платформа ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Агроплатформа”) ни жорий этиш тўғрисидаги таклифи билан чиқилганлигини кўрсатди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Агроплатформа” бўйича ишларни мувофикалаштирувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” (кейинги ўринларда – Марказ) давлат муассасаси “Агроплатформа”ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, уни техник қўллаб-куватлаш ва такомиллаштириб бориш учун масъул оператор этиб белгиланади;

“Агроплатформа” фаолиятини ташкил этиш билан боғлик барча харажатлар лойиҳа-техник ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари ҳамда кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

“Агроплатформа” орқали туман (шахар) ҳокимининг қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тўғрисидаги қарори маълумотлари тақдим этилади ва тижорат банклари учун имтиёзли кредит маблағларини ажратиш учун асос бўлади.

“Агроплатформа” ягона интеграцион платформа - “Рақамли қишлоқ хўжалиги” таркибига киради ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри”да рўйхатга олинади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгashi, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси, тижорат банклари, “Агросервис” АЖ, “Агролизинг” АЖ, “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шахар) ҳокимликлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилари ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар 2022 йил 1 августдан бошлаб “Агроплатформа” орқали қўйидагиларни:

электрон хизматларни кўрсатишни;

электрон ҳужжат айланишини амалга оширишни;

интеграциялашув асосида ўзаро маълумот алмашинувини йўлга қўйишилиги белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Агроплатформа” доирасида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларнинг ягона реестрини шакллантириш ва идентификация рақамини бериш тартибини ишлаб чиқиб, унга мувофик ишларни ташкиллаштириш таклиф этилган.

Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчиларни Реестрда рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамини бириктириш ишларини самарали ташкил этилиши, бунда, ҳар календарь йилнинг 15 февраль кунига қадар қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар Реестрдаги маълумотларни янгилаши ва тўғрилигини ўзининг электрон рақамли имзо (ЭРИ) калити билан тасдиқлаши лозимлиги белгиланган.

Давлат томонидан имтиёзли кредитлар, субсидиялар ва турли давлат грантларини ажратиш факат Реестрга киритилган субъектлар учун амалга оширилиши белгиланганлигини айтиб ўтилди.

Шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан А.Шамсиев, А.Ахмеджанова, М.Тошболтаев, М.Толибовлар сўзга чиқиб ўз таклифларини билдиришиди.

Техник фанлари доктори М.Тошболтаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига рақамли технологияларнинг илғор тажрибаларини жорий килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ҳозирги кун талаби бўйича жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

### **Йиғилиш қарор қилади:**

3. Ушбу қарор лойиҳаси матни кайта кўриб чиқилгандан сўнг, маъқуллансин.

4. Жамоат Кенгаши аъзолари томонидан тақдим этилган таклифлар келгусида ишлаб чиқариладиган Қонун ва Қарор лойиҳаларида акс эттириш вазирлик раҳбариятидан сўралсан.

Йиғилишни Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириш сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент лойиҳасини муҳокамаси ҳозирги қундаги долзарб мавзулардан экинлигини билдириб, унинг аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш бўйича йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибидаги З масала юзасидан Ташкилий-назорат бошкармаси бошлиғи М. Толибов ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш, “Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги”ги умумий техник регламент тасдиқлаш бўлиб, мазкур техник регламент амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг максадлари, мазмун ва моҳияти ҳамда уни кўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектларини кенг хабардор қилинишини, ушбу техник регламент инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит, ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, гўшт ва сўйиш маҳсулотларининг нисбатан белгиланиши ва хавфсизлигига истеъмолчиларни чалғитадиган ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси худудида муомалага чиқариладиган гўшт ва сўйиш маҳсулотларига, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш жараёнларига ва утилизация қилишга татбиқ этишлигини, техник регламентнинг техник тартибга солиш обьектлари этиб асосан, сўйиш маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотлари, гўшт, иккиласмчи (суб) маҳсулотлар (тана гўштини кесишдан олинадиган қўшимча маҳсулотлар, ички органлар, калла-пойча ва бошқалар)”, ёғ

хом ашёси ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари, шу жумладан ҳайвонларнинг эритилган ёғлари, қон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари, сувак ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари, гўштни сувакдан механик ажратиш (қўшимча сувакдан гўшт ажратиш), хом ичак, коллаген таркибли хомашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари (шу жумладан желатин); гўшт ва гўшт таркибли гўшт маҳсулотлари, гўштли ва гўшт таркибли колбаса маҳсулотлари, гўшт ва гўшт таркибли ярим тайёр маҳсулотлар ва пазандалик маҳсулотлари, гўшт ва таркиби гўштли консервалар, гўшт ва таркиби гўштли булонлар, гўштли ва таркиби гўштли қуритилган маҳсулотлар, “чўчқа ёғи (шпик)дан маҳсулотлар” болалар озиқ-овқати учун сўйиш маҳсулотлари, болалар озиқ-овқати учун гўшт маҳсулотлари, гўшт ва сўйиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш, утилизация қилиш жараёнларида, техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент талабларига зид бўлмаган холда суйилган маҳсулотлар ва гўшт маҳсулотларини тамғалаш ва қадоқлашга мажбурий қўллаш ва бажариш талабларини ўрнатади. Шунингдек, сўйиш маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотларини идентификация қилиш, муомалада бўлиш, йўқ қилиш, қадоқлаш, мувофиқлигини баҳолаш ҳамда Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига оид қоидаларни ўрнатилишини, техник регламент қўйидаги маҳсулотларга, шунингдек унга боғлик жараён талабларига татбиқ этилмаслигини, фуқаролар томонидан уй шароитида ва (ёки) шахсий ёрдамчи хўжаликларида ёки чорвачилик билан шуғулланадиган фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган сўйиш маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотларига, шунингдек, сўйиш маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва йук килиш (утилизация) жараёни фақат шахсий истеъмол қилишга мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариш учун мўлжалланмаган, сўйиш маҳсулотларидан ёки уни асосида ишлаб чиқарилган, ихтисослашган гўшт маҳсулотларига, парранда гўшти ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари, шунингдек рецептурасида парранда гўшти ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари массаси бўйича бошқа маҳсулдор ҳайвонларни сўйиш маҳсулотларидан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига, озиқ-овқат қўшимчалари ва биологик фаол озиқ-овқат қўшимчалари, дори воситалари, ҳайвон учун озуқа, сўйиш маҳсулотлари ёки кайсики улар асосида тайёрланган озиқ-овқат мақсадлари учун мўлжалланмаган маҳсулотлар, овқатланиш корхоналари (умумий овқатланиш) озиқ-овқат маҳсулотлари, сўйиш маҳсулотлари ёки унинг асосидаги маҳсулотларни ишлатиб, хизмат кўрсатишида сотиш учун мўлжалланган, шунингдек кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш жараёнларида, озиқ-овқат маҳсулотлари, унда рецептурага биноан гўшт ингредиентларини таркиби 5 фоиздан камни ташкил килади, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариш учун мўлжалланмаган сўйиш маҳсулотлари ва саноат усулисиз тайёрланган сўйиш маҳсулотлари ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва тасарруф этиш (утилизация) жараёнига алоҳида эътибор қаратилганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Кенгаш аъзолари М.Тошболтаев, Ч.Латипов, А.Мансуровлар сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдиришди.

Бундан ташқари, А.Масуров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги

умумий техник регламент лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги ва ушбу регламентда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги бўйича барчаси очик ойдин кўрсатиб ўтилганлигини таъкидлади.

**Йиғилиш қарор қиласи:**

1. Ушбу қарор лойиҳаси матни қайта қўриб чиқилгандан сўнг, маъқуллансин.

2. Жамоат Кенгаши аъзолари томонидан тақдим этилган таклифлар келгусида ишлаб чиқариладиган Қонун ва Қарор лойиҳаларида акс эттириш вазирлик раҳбариятидан сўралсан.

Ушбу йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар очик овоз бериш йўли билан бир овоздан қабул қилинди. “Қаршилар” ва “Бетарафлар” бўлмади.